

# Хабар

22  
(976)-son

3-iyun

www.xabar.uz  
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

**“Оқтош” дам олиш оромгоҳи:**

## Табиати гўзал, шароити зўр, улардан сиз ҳам баҳра олинг



Халқимизда “Яхши дам — меҳнатга ҳамдам” деган ажойиб мақол бор. Ҳақиқатан ҳам ҳар қандай инсон толиқтирувчи меҳнатдан сўнг мириқиб дам олса, барча чарчоқлари кетиб, аввалгидай қувватга тўлади. Фикри тиниқлашиб, вужудида куч пайдо бўлади. Бундай ҳордиқ бутун кун давомида ақлий меҳнат билан шуғулланувчи алоқачилар учун, айниқса, зарур. Жисмоний меҳнат қилувчиларга қараганда ақл билан ишловчилар, жумладан, барча юмушларини компьютер ёрдамида бажарувчилар, мураккаб техника ва технологиялар олдида соатлаб ўтириб, уни бошқарувчилар кўпроқ толиқишлари, табиий, албатта.

Мамлакат ривожига муносиб улуш кўшаётган алоқа ва ахборотлаштириш тизими ишчи-хизматчилари, уларгина эмас, балки ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида филокорона меҳнат қилаётганларнинг ҳам мириқиб ҳордиқ чиқаришлари мумкин бўлган ажойиб дам олиш маскани борлигидан хабарингиз борми? Бу маскан “Электромагнит мослашув маркази” давлат унитар корхонаси тасарруфидаги Чимён тоғ тизмалари бағрида жойлашган, ҳавоси тоза, табиати гўзал, шароити зўр “Оқтош” оромгоҳидир.

12-13-бетлар

### Сўнги янгилик!



Алоқа оламида:

Карлсруэ технологиялар институти (Германия) томонидан маълумотлар узатиш тезлиги бўйича янги рекорд ўрнатилди.

Институт ходимлари ахборотни 300дан ортиқ рангли лазер нурларида кодлаштириб, яккалик лазер билан оптик толали канал орқали 26 терабит/сонияда узатишга муваффақ бўлишди. 26 терабит — 700 DVD-диск ҳажмига тенг катталик. Синов пайтида маълумот узатиш масофаси 50 километрни ташкил этди.

### Ушбу сонда:

Ижро интизоми ва интерактив хизматлар	2
Ҳамжиҳатликни кучайтириш зарур Кабел ўғриликларининг олдини олишда бирдек масъулмиз	4
Михаил БОНДАРЕНКО: Узбекистан представляет для нас особый интерес	6
Пенсия қонунчилиги: ўзгартиш ва қўшимчалар	14
Дунё кутубхоналари	16

### Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

**Aloqa Print**

• СИФАТЛИ  
ТЕКСТИЛ  
• ПОЛИГРАФИЯ  
ИДРА КИНОДИЙ ЕНДАШУВ

Буклетлар, плакатлар, постерлар, визиткалар, бланкалар,  
откриткалар, блокнотлар, папкалар, хилма-хил календарлар,  
журналлар ва каталоглар тайёрлаймиз

Мақоми: Ашар Тоғурўфч. 1/2  
Тел.: (+998 71) 228 15 54, 228 98 49  
Факс: (+998 71) 233 85 56  
Хизматлар аниқлашгани www.aloqaprint.uz



## Jumadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 31 май кунин Оқсаройда АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Денис Макдонани қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон - АҚШ муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 июн кунин Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Литва Республикаси ташқи ишлар вазири Аудронюс Ажубалисни қабул қилди. Мулоқот чоғида ЕХХТ олдида турган вазифалар, Литванинг ушбу тузилмадаги раҳбарлиги, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннувова хотирасига Тошкент шаҳрида ҳайкал ўрнатилган" тўғрисида ҳамда "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсияонер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада қучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарорлари эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: ахборот соҳасига оид қонунчиликни тақомиллаштиришнинг устувор йўналишлари" мавзусида семинар ташкил этди.

Тошкент шаҳрида 27-28 май кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Форумининг VI мажлиси бўлиб ўтди. Унда ШХТга аъзо давлатлар миллий тадқиқот марказлари делегациялари, кузатувчи мамлакатлар экспертлари, ШХТ Котибияти ва Минтақавий аксилтерор тузилмаси Ижроия кўмитаси ҳамда Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Шу кунларда юртимизда "Sen Yolq'iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан "Хар бир фарзанда - меҳр, эътибор" ҳафталиги ўтказилмоқда. Мазкур ҳафталик доирасида пойтахтимиздаги "Тошкентленд" истироҳат боғида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари учун байрам тадбири ташкил этилди.

Шаҳрисабз туманида "Йилнинг энг яхши мактаби" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Танловда Урганч шаҳридаги 5-мактаб жамоаси голибликни қўлга киритган бўлса, Навоий шаҳридаги 13-умумтаълим мактаби жамоаси иккинчи, Нукус шаҳридаги 31-мактаб жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари Х.Мирзоҳидов бошқарди.

## Ижро интизоми ва интерактив хизматлар

Ҳайъатда дастлаб "Агентликнинг Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармалари ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур ҳудудлардаги таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида" ги масала селектор орқали кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Агентликнинг Ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи А.Арипов ахборот берди. Ахборотчи тасдиқланган режага асосан шу йилнинг 11-16 апрел ва 16-21 май кунлари Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида Агентликнинг ҳудудий бошқармалари, шунингдек, тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг ушбу ҳудудлардаги куйи таркибий бўлинмаларида ўрганишлар ўтказилганини маълум қилди. Ўрганишларда асосий эътибор Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизоми мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 12- ва 1999 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида" ги 140-қарорлари ҳамда Агентликнинг 2009 йил 29 декабрдаги 416-буйруғи билан тасдиқланган "Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги марказий аппаратида иш юритиш ва ҳужжатлар

ижросининг назоратини ташкил этиш бўйича йўриқнома" ҳамда 2011 йил 17 январдаги 16-буйруғи билан тасдиқланган RH 45-015:2010 "Ҳужжатларнинг бир хиллаштирилган тизимлари ташкилий-бошқарув ҳужжатлари турлари, таркиби ва расмийлаштирилиши" раҳбарий ҳужжати талабларининг бажарилишига қаратилди. Ўрганишлар ҳужжатлар бўйича қарорлар қабул қилинишини ташкил этиш, уларни ижрочиларга етказиш, назорат остидаги ҳужжатларнинг бажарилишини ташкил этиш, "ХФУ" грифли ҳужжатлар билан ишлаш тизимининг ҳолати, мурожаат ва шикоятлар билан ишлаш тизимининг ҳолати, ижро н назорат қилувчи таркибий бўлима, унинг малакали кадрлар билан таъминланганлиги ва улarga яратилган иш шароитининг ҳолати бўйича асосий еттига йўналишларда олиб борилди.

Йиғилишда "Соҳа корхоналари веб-саҳифалари орқали интерактив хизматлар кўрсатилиши ҳолати" тўғрисидаги масала бўйича "UZINFOCOM" маркази директори Ж.Раҳимовнинг ахбороти тинланди. Ахборотчи соҳа корхоналари сайтларига кириш йилдан-йилга ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Масалан, 2010 йилнинг апрелида UZAAA сайтига бир ойда ташриф буюрувчилар сони 6542та бўлса, 2011 йилнинг апрел ойда кирувчилар сони 6825тани, "Ўзбектелеком"

## ➔ HAY'AT YIG'ILISHIDA



АКД бу кўрсаткич мос равишда 2535 ва 3820тани ташкил қилди. Агентлик тасарруфидаги корхоналар веб-саҳифаларининг амалдаги қонун ҳужжатларига мос келиши юзасидан ўтказилган экспертиза натижалари сикизта ташкилотнинг веб-саҳифаси "юқори" (81 фоиз ва ундан юқори), 16 корхона "ўрта" (61-80 фоиз) ва бешта ташкилот "паст" (40-60 фоиз) даражани кўрсатди.

Веб-саҳифаларда маълумотларни янгиллаб туриш даражаси қонун ҳужжатларига асосан бир ҳафтада камда бир марта бўлиши белгиланган. Таҳлил натижаларига кўра, маълумотлар соҳа корхоналарининг 37 фоиз веб-саҳифаларида тез-тез янгиллаб турилади, 37 фоиз веб-саҳифаларда маълумотлар камдан-кам ва 7,4 фоиз веб-саҳифаларда бир ҳафтада бир марта янгиллаб борилади.

Агентлик топшириғига кўра, соҳа корхоналари раҳбарларига uForum бирлашган форум майдончасида ўзларининг махсус бўлимларини яратиш топширилган эди. Ушбу топшириқни бажариш мақсадида ўтган вақт мобайнида жами 27та корхона ва ташкилотдан 23таси мазкур форум майдончасида ўз бўлимларини ташкил этди. Бугунги кунда соҳа корхона ва идораларининг ўз веб-саҳифалари орқали кўрсатилаётган интерактив хизматлари ҳаволаларининг барчаси Агентлик сайтида жойлаштирилган. Улар томонидан тақдим этилаётган жами 77та интерактив хизматларнинг 37таси икки томонлама ахборот алмашуви, 40таси эса ахборотни тақдим этиш ва бир томонлама ўзаро алоқадорликдан иборат.

Ҳайъатда кўрилган масалалар атрофлича муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.


## ➔ 1-IYUN - XALQARO BOLALARNI HIMOYA QILISH KUNI

# Қушлар — бизнинг дўстларимиз

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунин пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан болалар ижоди намуналари асосида тайёрланган "Қушлар — бизнинг дўстларимиз" мавзусидаги махсус почта маркаларининг тақдимоти ўтказилди.

Ўсиб келаётган авлодин филателияга қизиқтириш ва жалб этиш, янги сюжетлар излаш, почта маркалари чоп этилишига жамоатчилик эътиборини тортиш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси ва Ўзбекистон қушларни ҳимоя қилиш жамияти билан ҳамкорликда жорий йилнинг 15 январидан 15 мартгача "Қушлар — бизнинг дўстларимиз" мавзусида махсус почта маркаларини чоп этиш учун болалар ижодий расмлари республика танлови ўтказилган эди. Танлов ҳайъатига келиб тушган 1383та ижодий иш орасидан тўрттаси голиб деб топилди ва улар асосида туркум почта маркалари тайёрланди.

Беҳзод Акбаралиев (9 ёш, Тошкент вилоятининг "Чўл қуши" асари биринчи ўринга сазовор бўлди, қолган совриндорлар Тошкент шаҳридан: Екатерина Мелюкова (2-ўрин, 11 ёш, расм номи "Сассиқпопишак"),



Аделя Шарапова (3-ўрин, 10 ёш, "Қирғовул"), Абдулҳамид Вакилов (4-ўрин, 8 ёш, "Куз").

Почта маркалари туркуми тўртта марказдан иборат бўлиб, бир неча рангда ишланган. Адади 80 минг нухада чиқарилди. Маркаларнинг номинали — 500 сўм.

"Қушлар — бизнинг дўстларимиз" маркаларини муомалага чиқариш кунига бағишлаб махсус сўндириш тамғаси тайёрланди. Тамғага бола ва қабултар тасвири туширилган бўлиб, \* XALQARO BOLALARNI HIMOYA QILISH KUNI \* O'ZBEKISTON — TOSHKENT POCHTAMT 01.06.2011 сўзлари ёзилган, махсус хотира тамғаси тушириладиган жой ва сана кўрсатилган. Дизайнер — У.Юсупалиев.



# “ТошТТС” ЖАМОАСИ ҒОЛИБ



Тошкент алоқа касб-хунар коллежида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ташаббуси билан “Энг яхши касаба уюшмаси кўмитаси” кўрик-танловининг шаҳар bosқичи бўлиб ўтди. Унда пойтахтда фаолият кўрсатаётган соҳа корхона, ташкилот ва муассасаларининг бошланғич ҳамда цех касаба уюшмаси кўмиталари жамоалари иштирок этди.

— “Энг яхши касаба уюшмаси кўмитаси” республика кўрик-танлови уч bosқичда ўтказилади, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Тўлқин Тешабоев. — Мазкур танловни ўтказишдан асосий мақсад — касаба уюшмаси аъзолари ўртасида аҳиллик, миллатлараро дўстликни янада мустаҳкамлаш, уларнинг малакаси ва маданиятини юксалтириш, илгор иш услубларини жорий қилиш бўйича тажриба алмашишни ташкил этиш, бошланғич ва цех касаба уюшмаларининг ишини баҳолаш, уюшмага аъзоларни жалб қилишнинг янги усулларини фаолиятда кенг қўллашдир. Гувоҳи бўлиб турганингиздек, дастлаб Тошкент шаҳар bosқичи ўтказилди. Жорий йилнинг иккинчи чорагида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда, август ойида эса республика bosқичи бўлиб ўтади.



Кўрик-танлов низомига асосан, касаба уюшмаси ташкилоти аъзолари тўртта шарт бўйича беллашдилар. Касаба уюшмаси ташкилотининг умумий фаолияти, жамоа аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги, спорт мусобақаларида тезкорлиги, энциклиги ва бадий чизишлари синовдан ўтказилди. Қизғин беллашувларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вакили Юнус Офуров бошчилигидаги танлов ҳайъатига осон бўлгани йўқ. Улар ҳар бир жамоанинг чиқишларини ҳолис ва алоқатли баҳолашга интилишди. Шундай қилиб, “Тошкент шаҳар телеграф-телефон станцияси” филиали касаба уюшмаси кўмитаси фахрли биринчи ўринни эгаллаган бўлса, “Алском” сугурта компанияси касаба уюшмаси кўмитаси иккинчи ва “UZINFOKOM” маркази касаба уюшмаси кўмитаси учинчи ўринга сазовор бўлди. Ғолибларга эсдалик совғалари ҳамда махсус дипломлар топширилди. Шунингдек, ташкилотчилар энг фаол иштирокчилар номини буйича Махсус авария-тиклаш бошқармаси касаба уюшмаси кўмитаси раиси Абзалхон Султонсаидов, “Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиали ходими Ҳасан Шуқуров ва “Радио-алоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК касаба уюшмаси кўмитаси раиси Нина Колотилиналарга ҳам махсус совға ҳамда дипломларни тақдим этишди.

Ўз мухбиримиз

Яқинда мамлакатимиз мустақиллигига 20 йил тўлади. Қутлуг айёмни муносиб нишонлаш соҳамиз корхона ва ташкилотларида яхши анъанага айланган, хусусан, турли байрамолди тадбирларнинг ўтказилаётгани бу жараёнга ўзгача шуқуқ бағишламоқда. Бунга «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали томонидан «Ўзбекистон – Ватаним маним» шиори остида ўтказилган почта хавфсизлиги хизмати бўлини маси техникларининг кўрик-танлови давомида яна бир бор амин бўлдик.

Тошкент алоқа касб-хунар коллежида ташкиллаштирилган ушбу тадбирда филиалнинг 16та почта алоқаси тармоғига бириктирилган техниклар ғолиблик учун курашди.

Танлов низомига кўра, қатнашчилар уч шарт бўйича беллашди. Биринчи шарт икки қисмдан иборат бўлиб, техникнинг фаолияти, тармоқда почта хавфсизлиги юзасидан ишларнинг ташкил қилинганлиги ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаган бўлса, иккинчи қисми бўйича техниклар ўзлари бириктирилган почта алоқаси тармоғи фаолияти ҳақида маълумот беришди. Иккинчи шартда учта савол ўрин олган бўлиб, мутахассисларнинг почта хавфсизлиги, почта хизматини ташкил қилишга оид қондаларини қанчалик пухта эгаллагани ҳамда ижтимоий-сиёсий билимлари синовдан ўтказилди. Танловнинг учинчи шarti — бадий қисмда саҳналаштирилган кўринишлар, шеър ва рақслар ижро этилди.

Филиал директори Абдуғани Ҳайдаров бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати қатнашчиларнинг чиқишларини баҳолаб борди.

Дастлабки шарт бўйича Ҳилола Омонова (Бекобод), Шоҳиста Раззоқова (Тўйтепа), Диана Жўрабоева (Чирчиқ), Азиз Бўтабоев (Янгибозор), Юрий Арбузов (Зафар)ларнинг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди ва табиийки, энг юқори балларни ҳам улар тўплашди.

Шундан сўнг танловнинг асосий шартига навбат берилди. Мутахассислар ўз хизмат вазифаларини қанчалик билишади, Ватанимизнинг шонли мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар билан қанчалик танишлар — шу ва бошқа саволларга жавоб



# Энг яхши почта хавфсизлиги техниги



бериш орқали улар ҳам томошабинлар, ҳам раҳбарлар олдида ўзига хос имтиҳондан ўтишди. Шоҳиста Раззоқова ва Чарос Назарқулова (Олмалиқ) бу шарт бўйича энг юқори балларни тўплашди. Шунингдек, Чиноз, Янгибозор, Ангрен, Янгийўл, Чирчиқ, Бекобод ва Дўстобод почта алоқаси тармоқлари вакиллари ҳам танлов шартларини яхши бажариб, ғолибликка даъвогарлар сафини тўлдирди.

Яқунловчи бадий қисмда эса Пискент почта алоқаси тармоғи почта хавфсизлиги техниги Найма Хўжамқулова яқка пешқадам бўлди — ҳакамлар ҳайъати унга бир овоздан энг юқори баллни қўйишди. Бу bosқичда Ч.Назарқулова ижросидаги миллий рақс, А.Бўтабоевнинг саҳна кўринишлари, қолаверса, Тўйтепа, Фазалкент, Бекобод ва Чирчиқ ПАТ вакиллари бадий маҳорати томошабинларнинг олқисини олди. Тадбирда ёш ижрочиларнинг қўшиқ ва рақслари ҳам алоқачиларнинг



кўнгилли дам олишларига муносиб ҳисса бўлди.

— Мазкур танлов республика мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлашга қаратилган тадбирлар режамиздан ўрин олган бўлиб, уни ўтказиш учун бежизга алоқа коллежини танламадик, — дейди филиал директори А.Ҳайдаров. — Аввало яратилган шароит учун коллеж мутасаддиларига раҳмат айтмоқчиман. Кўпчилик ходимларимизга бу даргоҳ бегона эмас, уларнинг аксарияти шу ерда таҳсил олишган. Ўз навбатида, коллеж ўқувчилари ҳам амалиёт ўташ учун тез-тез филиалимизга бориб туришади. Гувоҳи бўляпсиз, улар бугунги танловимизни ҳам кузатиб бориляпти. Ўзро манфаатли ҳамкорлигимиз, ўйлайманки, фақат соҳамиз ривожига хизмат қилади.

Ниҳоят, ҳаяжонли дамлар етиб келди. Барча иштирокчилар саҳнага тақдир этилиб, ғолиб ва совриндорлар номи бирма-бир эълон қилинди.

Барча шартларда муваффақиятли қатнашган Тўйтепа ПАТ почта хавфсизлиги техниги Шоҳиста Раззоқова танловнинг мутлақ ғолиби дея эътироф этилди. Иккинчи ўринга Бекобод ПАТ вакиласи Ҳилола Омонова, учинчи ўринга Азиз Бўтабоев (Янгибозор) сазовор бўлишди. Ғолиб ва совриндорларнинг телевизор, уяли телефон, DVD-плеер, шунингдек, барча иштирокчиларга рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан танловга келган жажжи иштирокчилар ҳам совғалар билан тақдирланди.

Собит АҲАДОВ,  
“Xabar” мухбири

# Миллий қадриятлар тарғиботи

Андижон вилоятидаги Балиқчи индустриал-педагогика касб-хунар коллежи ахборот-ресурс марказида “Жамгармани ўлкашуносликка оид алабиётлар билан бойитиш соҳасида олиб борилаётган ишлар” мавзусида семинар-тренинг машғулоты бўлиб ўтди. Машғулотни вилоят Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ахборот-ресурс марказлари буйича мутахассиси Н.Ҳомидов олиб борди. Тадбирда коллеж директори К.Эркаев, коллежининг

маънавий-маърифий ишлар буйича директор ўринбосари Д.Исмоилова, Бобур номидаги вилоят АКМ директори Г.Исмоиловалар АРМ томонидан олиб борилаётган ишлар, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, Ватанга муҳаббат, истиқдол ғояларига солиқлик руҳида тарбиялашдаги коллеж раҳбарияти ва АРМ ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги, ҳозирги кунда ўлкашунослик йўналишидаги оммавий тарғибот ишлари ай-

нан ёшларимизнинг бу соҳадаги билимларини янада кучайтиришга, уларни ўлкаимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга кўпроқ жалб қилишга замин яратиши тўғрисида сўз юритишди.

Тадбир давомида тумандаги ижодкорлар, турли кўрик-танлов ғолиблари ва фахрийлар билан учрашув ташкил этилди.

Одина МАМАЖОНОВА,  
Бобур номидаги вилоят АКМ кутубхоначиси







# Тошлоқда бир мактаб бор...

Тошлоқ туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги"ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида таълим тизимини янада такомиллаштириш, умумтаълим мактаблари фаолиятини янада ривожлантириш ва мазкур мактаб тажрибаларини ўрганиш мақсадида семинар ўқуви ташкил этилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган "Бу имкониятни берди менга — она Ватаним" мавзусидаги илмий-амалий семинар машғулотларида Фарғона вилояти Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 207та таянч мактаби информатика фани ўқитувчилари иштирок этдилар. Халқ таълими муассасаларида мавжуд бўлган АКТ воситаларидан кенг ва унумли фойдаланиш, компьютер синфларининг фаолиятини методик жиҳатдан таъминлаш ва иш фаолиятларини янада такомиллаштиришни ўз олдига асосий мақсад қилган мазкур машғулотлар жонли ва самарли ўтди. Семинар қатнашчилари 11-умумтаълим мактабида АКТ орқали қўлга киритилган ютуқлар билан яқиндан танишдилар. Бундай муваффақиятга эришишда пешкадамлик қилган Майкл Кейси номидаги халқаро таълим мукофоти лауреати Рустамжон Бадалов ўз иш тажрибалари билан ҳамкасбларини таништирди.

"Мактабимиз Тошлоқ туманидаги замонавий "Pentium-4" компьютерлари келтирилган ilk мактаб ҳисобланади, — дейди Р.Бадалов. — Бу воқеа 2003 йил август ойида бўлган, ўшанда биз Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўртасидаги келишувга асосан эълон қилинган "Ўзбекистон мактабларига компьютерлар" лойиҳасида қатнашиб, катта грант — 10та компьютерни қўлга киритган эдик. Шундан буён АКТ воситаларидан дарсларда кенг фойдаланиш-

ни йўлга қўйганмиз. Айниқса, 2004 йилда интернет тармоғига уланганимиздан сўнг турли халқаро лойиҳаларда иштирок этдик. Натижа ёмон бўлмади: 2004 йилда мен АҚШда малака ошириб келдим. Шу йили ўқувчим Гулираъно Жаҳон Банки томонидан ўтказилган интернет иншолар танловида 1-ўринни эгаллаб, диплом ва совринлар билан тақдирландим. 2005 йилда мактабимиз "PEAKS" лойиҳасида голиб бўлиб, 13000 АҚШ доллари миқдоридаги грантни ютиб олди ва мактаб томини ка-



питал таъмирдан чиқардик. 2005-2006 йиллар давомида ўқувчиларимиздан Жўраев, Умаров, Сотволдиева, Аҳмедова, Усупжоновлар ЮНИСЕФ ташкилоти ва "Янги авлод" медиа маркази томонидан ўтказилган интернет танловида голиб чиқиб, Тошкентда ўтказилган ёш журналистларнинг "Дунё ёшлар нигоҳида" мавзусидаги I ва II фестивалларида қатнашиб, "Семурғ" болалар оромгоҳига йўланма билан тақдирландилар. АКТдан кенг фойдаланган



устозларимиз "Ogenki" ва "Japan A&D" компанияларининг интернет танловларида голибликни қўлга киритдилар. 2006 йилда <http://geroiuzb.narod.ru> — мактаб сайтимиз Москва Давлат университетининг "Оила шон-шухрати" интернет танловида совринли ўринга эга бўлди. Интернет тармоғидан унумли фойдаланган яна бир ўқитувчимиз Р.Каримова 2007 йил октябр ойида АҚШда малака ошириб келди. 2009 йилда эса АКТ ёрдамида яна бир устозимиз "Prolife" ва "Solvex Travel" компанияларининг интернет танловида дам олиб қайтди. АКТдан кенг фойдаланганимиз туфайли ўқувчиларимизда билим олишга қизиқиш кучайди. Ҳозирги кунда улар чет эллик мактаблар билан интернет орқали алоқа ўрнатганлар ва 15дан ортиқ, жумладан, Ҳиндистон, Малайзия, Коста-Рика, Аргентина, Венгрия, Доминикан Республикаси, Украина, Россия ва АҚШ каби мамлакатлардаги мактаблар билан ҳамкорлик қилаямиз".

Р.Бадалов дарсдан бўш вақтда ўқувчиларни АКТ воситалари билан ишлашга жалб эта олгани натижасида, унинг синф хонаси музейга айланиб қолганига ҳавасимиз келди. Чет мамлакатлардан келган хатлар, кичик почта жўнатмалари ва турли расмлар,

сувенирлар, ҳамкор мамлакатларнинг байроқлари семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Семинар давомида жонкуяр устоз <http://tashlak11fergana.zn.uz> — мактаб сайти ҳақида гапириб, унинг яратилиши бўйича тўлиқ тушунча берди. Ҳозирги кунда мактабларимизга уланган "ZiyoNET" тармоғидан кенг ва унумли фойдаланиш бўйича амалий машғулотларни ташкил этган бу устоз Халқ таълими вазирилик томонидан эълон қилинган "Энг яхши мактаб сайти-2011" кўрик-танлови ҳақида гапириб, бу танловда қатнашиш учун ҳар бир мактаб ўз сайтини яратиши борасида тегишли йўланмалар ва маслаҳатлар берди. Мактаб интернет марказида ташкил этилган амалий машғулотлар пайтида Ёзёвон туманидаги 7-, 19-, Кува туманидаги 44-, 45-, Данғара туманидаги 26-, Учкўприк туманидаги 24-, Қўқон шаҳридаги 33-, Бувайда туманидаги 10-, Қўштета туманидаги 5-, 8-, 10-, 12-, 48-, Фарғона шаҳридаги 13- ва бошқа мактабларнинг информатика ўқитувчилари томонидан мактаб сайтлари учун веб-дизайнлар яратилди ва мактаб сайтлари ўз манзилларига эга бўлди.

Семинарда вилоят халқ таълими бошқармаси мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ходими И.Ганиев ва бошқарманинг тегишли бўлиmlари мутахассислари иштирок этдилар.

Анжуман якунида АКТ соҳасидаги 11-мактабнинг иш тажрибасини вилоят мактабларига кенг ёйиш ва тарғиб қилишга қарор қилинди. Бу ўқув даргоҳи вилоятдаги мактабларнинг сайтларини яратиш бўйича марказ этиб тайинланди.

**Р.СОТВОЛДИЕВ,**  
Тошлоқ тумани 11-мактаб  
чет тили ўқитувчиси

## Қоғоздамас — амалда

Маълумки, ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш касаба уюшмалари зиммасига юклатилган. Амалий иш билан мустаҳкамланмаган ҳар бир қарор, қоида, ечим қоғозда қолиб кетади. Касаба уюшмаси жамоа шартномаларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, барча қарорлар бажарилишини таъминлаш орқали режаларнинг адо этилишига эришиши мумкин. Корхонанинг касаба уюшмасига умид билан мурожаат этган ходимнинг мушқулини осон этишни бурч деб ҳисоблаш лозим. Зеро, "Инсон қадрлари ҳар нарсадан улуғ" шиори фуқаролик жамиятининг бош мезонидир. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси Давлат Бозоров бу ҳақда муҳбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалида тариф келишувини, жамоа шартномасининг бажарилиши бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Томонларнинг мажбуриятлари, меҳнат шартномаси, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, компенсациялар, қўшимча тўловлар, пуллик рағбатлантиришлар бўйича эътиборга молик ишлар кўзга ташланади.

Ўтган 2010 йил давомида тармоқдаги узлуксиз иш стажини учун ойлик устама тўлови 721 нафар ходимга 21,2, навбатдаги меҳнат таътилига чиқишда 744 нафар ходимга 122,8, биринчи бор никоҳдан ўтган 17 нафар ходимга 332,4, яқинлари ва қариндошлари вафот этган 39 нафар ходимга

394,8, нафақага кузатилган 8 нафар ходимга 285, ишламайдиган 321 нафар пенсионерга 15,9, кам таъминланган 304 нафар оилага 37,4, 2 ёшдан 3 ёшгача бола тарбияси учун таътилдаги 8 нафар аёлларга 41,2 минг сўмдан маблағ ажратилди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш, компенсациялар, қўшимча тўловлар, пуллик рағбатлантириш бўйича 21 банд қабул қилинган бўлиб, юқори касб маҳорати учун 604 нафар ишловчиларга 193111200 сўм қўшимча тўловлар, тунги сменаларда ишлаган 6 нафар ходимга 2744900 сўм, кўп йиллик иш стажига эга бўлган 721 нафар ходимга 183066700 сўм тўланди. Бундан ташқари, жорий мукофотлар, байрам саналари бўйича рағбатлантириш, махсус кийим, хўжалик совуни

## КАСАБА УЙУШМАЛАРИ НАЙОТИДАН

ва ювиш воситалари учун ҳам тўловлар амалга оширилиб, ҳар бир ходимнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иш фаолиятларини олиб боришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, байрамларда кўнгилли дам олишлари учун маданий талбирлар ташкил этиш доимо эътиборимизда.

Юбилей саналари ва пенсия ёшига етган ходимларга жамоа шартномаларида назарда тутилган маблағларни бериш, ўқув юртларини тугатиб йўланма билан ишга қабул қилинган ёш мутахассисларга компенсация тўлаш, санатория ва дам олиш уйларига йўланмалар ажратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тарқатиш бўйича ҳам муайян ишлар бажарилди.

Жами қабул қилинган 146 банднинг бажарилиши юзасидан икки томонлама комиссия аъзолари доимий назорат олиб борадилар.

Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмаси кўмиталарининг фаолияти фақатгина юқорида келтирилган бандларнинг ижросини таъминлабгина қолмасдан, жамоада соғлом муҳитни шакллантириш, ишчи-ходимлар ўртасида ўзаро ҳурмат, бой миллий қадриятларимизни қарор топтириш, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат сарфидан унумли фойдаланиш, устоз-шогирд анъаналарини давом эттириб, касбга бўлган меҳр-муҳаббатни янада оширишдан иборат бўлиб қолаверди.

Афтондил ИСМОИЛОВ ёзиб олди



Телекоммуникации – один из наиболее динамично развивающихся сегментов мировой экономики. Исклечением не являются и рынки стран СНГ. Чтобы убедиться в этом, мы побеседовали с генеральным директором крупной телекоммуникационной компании «СИТРОНИКС Телеком Солюшнс» Михаилом Бондаренко, который рассказал о деятельности компании.

— Расскажите в двух словах о компании «Ситроникс Телеком Солюшнс».

— СТС — ведущий поставщик комплексных решений в области систем поддержки операционной и бизнес-деятельности, сетей следующего поколения и широкополосного доступа, а также решений для цифрового телевидения на рынках России, СНГ, Центральной и Юго-Восточной Европы, стран Африки и Ближнего Востока. Основным продуктом СТС является линейка продуктов биллинговых и околбиллинговых продуктов FORIS для телекоммуникационных операторов.

— Какова структура «Ситроникс Телеком Солюшнс»?

— СТС образуют несколько компаний. Во-первых, СТС Россия со штаб-квартирой в Москве и региональными филиалами в Санкт-Петербурге, Екатеринбурге, Краснодаре, Владивостоке, Новосибирске, Нижнем Новгороде и Самаре. Во-вторых, наши дочерние компании: СТС Чехия, СТС Пакистан, СТС Украина, СТС Беларусь и СТС Узбекистан, а также East Wind в Екатеринбурге, где мы владеем контрольным пакетом акций. На данный момент в компании работает около 2000 человек.

— Расскажите об основных бизнес-направлениях, в которых вы работаете.

— Структуру бизнеса СТС формируют три направления. Первое — BSS/OSS (Business Support System/ Operation Support System) — наш основной бизнес-драйвер, который занимается разработкой, внедрением и технической поддержкой биллингового решения FORIS OSS и сопутствующих продуктов, на базе которых предоставляются услуги абонентам (FORIS InterPartner, FORIS Business Intelligence, FORIS Revenue Assurance и др.).

Второе направление — Networks Solutions (сетевые решения), которое отвечает за разработку продуктов MEDIO SCP, MEDIO STP, GMSC, TENNET и др., находящихся в «пограничной» зоне между hard- и software.

И третье — завод в чешском городе Вотице, который занимается производством наших продуктов и сборкой оборудования в интересах внешних клиентов, среди которых крупные телекоммуникационные компании (2N TELEKOMUNIKACE и PRINCIP A.S. (Чехия), ERL Electronic GmbH и Nanotron Technologies GmbH (Германия), Zenitel Norway AS (Норвегия) и представители других отраслей (производитель электрооборудования Consilium Fire&Gas A.B. (Швеция), поставщик звукового оборудования и акустических систем KV2 Audio International (Великобритания)).

— Перечислите, пожалуйста, основные достижения компании в 2010 году.

— В первую очередь нужно отметить запуск Foris OSS в Sistema Shyam TeleServices Ltd. в Индии, внедрение услуги мобильного интернета на основе конвергентного решения Foris/MSCP для CDMA prepaid-абонентов МТС Украина, заключение контрактов с Warid Telecom и Sistema Shyam TeleServices Ltd.

Кроме того, во второй половине 2010 года у нас произошли серьезные внутренние изменения: мы провели реорганизацию, оптимизировали бизнес-процессы, поменяли команду менеджеров. Принятые меры позволили существенно повысить качество продуктов, сократить сроки тиражирования и инсталляции и завершить год с финансовыми результатами, которые еще в первом полугодии казались недостижимыми. Также это позволило нам в марте 2011 года завершить миграцию абонентов МГТС на биллинговую систему

FORIS Fix и достичь соглашения о запуске десяти новых проектов со сроками реализации 2011–2012 гг.

— Как Вы оцениваете успехи в привлечении новых клиентов и в работе с компаниями, не входящими в АФК «Система»?

— Положительно. Мы развиваем сотрудничество с операторами Восточной

Европы, в частности, в январе 2011 года подписали контракт на техническую поддержку с Telekom Srbija, продолжается сотрудничество с Vodafone Чехия, немецким оператором связи Callax и другими. Благодаря хорошей работе нашей команды в Пакистане, достигнута договоренность о новых контрактах с крупнейшим оператором в Уганде и Пакистане компанией Warid Telecom.

Кроме того, мы начинаем работу на рынках Узбекистана, Казахстана, Венесуэлы.

— Как продвигается сотрудничество с уже существующими заказчиками?

— Тут хорошим примером может служить МГТС. Интеграция абонентов в единую биллинговую систему позволила компании предложить ряд сервисов, которые еще несколько лет назад казались нереальными: оплату счета в любом отделении связи, а в ближайшем будущем, после внедрения Интернет-помощника — управление услугами и оплату счетов через Интернет.

— Оцените рынок Узбекистана. Видите ли Вы на нем какие-либо существенные проекты?

— Конечно, Узбекистан представляет для нас особый интерес, и мы давно ведем здесь активную и плодотворную деятельность. Дочерняя компания SITRONICS Telecom Solutions Tashkent в настоящее время работает по ряду крупных проектов. В первую очередь это внедрение и развитие биллинговой платформы FORIS в ИП «Уздунробита» («МТС-Узбекистан»), включающие миграцию всех 8 млн. абонентов на новую платформу. Надеюсь, что в этом году мы сможем объявить еще о ряде новых проектов. Отмечу также, что СИТРОНИКС одной из первых российских компаний стал партнером Центра компетенции по электронному управлению при Ассоциации предприятий и организаций информационных технологий Узбекистана. Уверен, что это партнерство позво-

лит нам более активно продвигать наши решения и услуги на территории страны.

— Планируете ли развивать R&D?

— В конце 2010 года руководством СТС принято решение о развитии региональных R&D центров. Разработка является одной из основных функций любой софтверной компании, и СТС не должна быть исключением. Мы существенно увеличили бюджет R&D на 2011 год, который составляет теперь 6–7% от годового бюджета компании. В дальнейшем расходы на НИОКР будут расти. У нас уже есть полноценные R&D-центры в Праге и Москве, в настоящий момент мы работаем над созданием R&D-центров на базе наших филиалов в Санкт-Петербурге и Краснодаре.

— Планируется ли развитие компе-

Михаил БОНДАРЕНКО:

## УЗБЕКИСТАН ПРЕДСТАВЛЯЕТ ДЛЯ НАС ОСОБЫЙ ИНТЕРЕС



WiMax, LTE и др. Рассчитываем, что раздача лицензий и возникновение конкуренции на этом рынке повлекут за собой необходимость создания новых продуктов и улучшения качества уже существующих решений. Фантазия маркетологов телекоммуникационных операторов безгранична, и мы готовы участвовать в реализации интересных идей.

— Оцените рынок Узбекистана. Видите ли Вы на нем какие-либо существенные проекты?

— Конечно, Узбекистан представляет для нас особый интерес, и мы давно ведем здесь активную и плодотворную деятельность. Дочерняя компания SITRONICS Telecom Solutions Tashkent в настоящее время работает по ряду крупных проектов. В первую очередь это внедрение и развитие биллинговой платформы FORIS в ИП «Уздунробита» («МТС-Узбекистан»), включающие миграцию всех 8 млн. абонентов на новую платформу. Надеюсь, что в этом году мы сможем объявить еще о ряде новых проектов. Отмечу также, что СИТРОНИКС одной из первых российских компаний стал партнером Центра компетенции по электронному управлению при Ассоциации предприятий и организаций информационных технологий Узбекистана. Уверен, что это партнерство позво-

— Как продвигается сотрудничество с уже существующими заказчиками?

— Тут хорошим примером может служить МГТС. Интеграция абонентов в единую биллинговую систему позволила компании предложить ряд сервисов, которые еще несколько лет назад казались нереальными: оплату счета в любом отделении связи, а в ближайшем будущем, после внедрения Интернет-помощника — управление услугами и оплату счетов через Интернет.

— Оцените рынок Узбекистана. Видите ли Вы на нем какие-либо существенные проекты?

— Конечно, Узбекистан представляет для нас особый интерес, и мы давно ведем здесь активную и плодотворную деятельность. Дочерняя компания SITRONICS Telecom Solutions Tashkent в настоящее время работает по ряду крупных проектов. В первую очередь это внедрение и развитие биллинговой платформы FORIS в ИП «Уздунробита» («МТС-Узбекистан»), включающие миграцию всех 8 млн. абонентов на новую платформу. Надеюсь, что в этом году мы сможем объявить еще о ряде новых проектов. Отмечу также, что СИТРОНИКС одной из первых российских компаний стал партнером Центра компетенции по электронному управлению при Ассоциации предприятий и организаций информационных технологий Узбекистана. Уверен, что это партнерство позво-

лит нам более активно продвигать наши решения и услуги на территории страны.

— Планируете ли развивать R&D?

— В конце 2010 года руководством СТС принято решение о развитии региональных R&D центров. Разработка является одной из основных функций любой софтверной компании, и СТС не должна быть исключением. Мы существенно увеличили бюджет R&D на 2011 год, который составляет теперь 6–7% от годового бюджета компании. В дальнейшем расходы на НИОКР будут расти. У нас уже есть полноценные R&D-центры в Праге и Москве, в настоящий момент мы работаем над созданием R&D-центров на базе наших филиалов в Санкт-Петербурге и Краснодаре.

— Планируется ли развитие компе-

«СИТРОНИКС Телеком Солюшнс», штаб-квартира которой находится в Москве, является частью ОАО «СИТРОНИКС» — крупнейшей высокотехнологичной компании в Восточной Европе, работающей в сфере телекоммуникационных решений, информационных технологий, системной интеграции и консалтинга, разработки и производства микросистемной продукции. ОАО «СИТРОНИКС», в свою очередь, входит в структуру финансово-промышленной группы АФК «Система» — крупнейшей в России и СНГ публичной диверсифицированной корпорации, которая является мажоритарным акционером компаний-лидеров, обслуживающих более 100 миллионов потребителей в таких отраслях, как телекоммуникации, высокие технологии, ТЭК и нефтехимия, радио и космические технологии, банковский бизнес, розничная торговля, масс-медиа, туризм и медицинские услуги.

SITRONICS

тенций СТС в областях, не имеющих отношения к телекому?

— Мы будем минимизировать присутствие в таких областях. Опыт показывает, что затраты здесь достаточно велики, а возврата инвестиций нет. Единственная компетенция, не связанная с телекомом, которая будет развиваться (но не как отдельный продукт, а как составляющая подсистемы FORIS OSS) — это Utilities, биллинговое решение для жилищно-коммунальной отрасли. У нас есть прототип решения, которое используется австрийской компанией Stadtwerke Feldkirch. Сейчас ведутся переговоры по продвижению этого проекта на постсоветском пространстве. Рассчитываю, что с подписанием нового контракта мы переведем Utilities из области НИОКР в основную часть бизнеса.

— Как СТС будет развиваться в 2011 году?

— Наш основной тренд — развитие прибыльных направлений, компетенций и продуктов. Это касается и BSS/OSS, и Networks, и нашего завода в Вотице, который мы постепенно будем переориентировать на выпуск собственной продукции.

Основное ноу-хау нашей команды — экспертное знание процессов и технологий разработки. Мы существенно улучшили финансовые результаты благодаря новым контрактам и усилиям в области снижения себестоимости, уменьшения операционных расходов и т.д., и в 2011 году продолжим работать в этом направлении.

Мы и далее будем смешать акценты в сторону развития технологий и выстраивания оптимальных бизнес-процессов, что позволит повысить рентабельность нашей деятельности и существенно улучшить показатели чистой прибыли и OIBDA. Планируем, что рост выручки СТС Россия и Чехия в 2011 году может составить 6–7%.


— Большое вам спасибо. Желает ли компания — процветание, динамичного развития и новых перспективных проектов.

Беседу вела  
Мурбарак МИРКАМОЛОВА



# Хабарлар +tv

## ДУШАНБА — 6 ИЮН



05:55 Кўрсатқулар дастури.  
06:00 "Ассалом, Ўзбекистон"  
7:00 "Ишқ эртанги", Т/с.  
8:00 "Тадбирнома".  
8:45-9:25 "Миллатлар" дастури.  
09:25 Телетр: "Бу чоллар ёмон чоллар", 1-қисм.  
10:10 Иқлими.  
10:15 "Ватан манзиллари".  
10:40 "Саломатлик сирлиги".  
11:00 "Абдор".  
11:15 "Тошқин", Т/с.  
11:55 "Иқлими".  
12:00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
12:50 "Кўнглим кўнглик истайдиган".  
13:30 Миллий сериал: "Умр манзаралари".  
"Боаллар сайрағиси".  
13:35 "Пинг-понг", М/с.  
14:00 "Абдор".  
14:20 "Ватанпарвар".  
15:00 "Иқлими".  
15:05 Жаҳон мусофирлиги хазинасидан.  
"Ариана Деккер", 1-қисм.  
16:05 "Эл тирлиги буёли".  
16:25 "Худудлар ҳаёти".  
16:40 "Ўзбекистон табиати".  
17:00 "Абдор".  
17:15 "Одил суя".  
17:55 "Иқлими".  
18:00 "Кўнглим кўнглик истайдиган".  
"Боаллар сайрағиси".  
18:05 "Эртанги бурда" дастури.  
18:20 "Сўнги қирғоқчи", Т/с.  
19:00 "Қамолот оstonasi".  
19:20 "ТВ шифокор".  
19:25, 20:00, 20:55 Эфирлар.  
19:30 "Абдор" /рус/.  
20:10 Миллий сериал: "Умр манзаралари".  
20:45 "Оттин мерос".  
21:00 "Абдор".  
21:40 "Қорғиш".  
22:00 "Қабибига ишан", Т/с.  
22:40 "Иқлими".  
22:45 "Тошқин", Т/с.  
23:25, 23:30 "Фотун".  
23:30 Кўрсатқулар дастури.  
23:35 "Қорғиш".  
00:00 "Одил суя".  
00:40 "Эртанги бурда" дастури.  
"Ҳақиқатга оғини қабилар".  
00:55 "Кўнглим кўнглик истайдиган".  
1:00 "Абдор" /рус/.  
1:35, 2:35 "Миллатлар" дастури.  
02:25 "Қамолот оstonasi".  
02:55 "Оттин мерос".  
03:10 "Ассалом, Ўзбекистон".  
03:40 "Абдор".  
04:35 Миллий сериал: "Умр манзаралари".  
05:10 "Иқлими".  
05:15 Қўнғарнинг бирда.  
05:30 "Ўзбекистон табиати".  
05:50 - 05:55 "Фотун".



05:55 "Дастурини оғиниш".  
06:00 "Тадбирнома".  
06:50 "Мультипанорама".  
07:50 "Ёшлик наволари".  
08:10 "Шамалларга қолган ҳақларим", Т/с.  
09:00 "Мўжазавий дунё".  
09:50 "Ўз.ЕХ".  
10:00 "Дарв ҳақда ичиш".  
10:30 "Осиё", Т/с.  
11:20 "Қувноқ адиб".  
11:40 "Мультипанорама".  
12:10 "Қурғонга", Т/с.  
13:00 "Дарв".  
13:10 "Ёшлик наволари".  
13:30 "Шамалларга қолган ҳақларим", Т/с.  
14:20 "Афсона ва ҳақиқат".  
14:40 "Қамолот-нифо".  
15:00 "Пўтар", Т/с.  
15:50 "Ўз.ЕХ".  
16:00 "Дарв".  
16:10 Миллий сериал: "Орзулар бағди".  
16:50 "Соғлик - бойлик".  
17:10 "Салом-Намаст", Б/ф. 1-қисм.

18:10 "Ободлик кўнглидан бошланади".  
18:30 "Дарв мануви".  
18:50 "Ўз.ЕХ".  
19:00 "Дарв".  
Оромгоҳ директори Азиз ИГАМБЕРДИЕВ

Азизжон. — Уларнинг 500 тупи арча, 3800 тупи атиргул, 120 тупи манзарали, қолгани мевали дарахт кўчатларидир. Кўчатлар вақтида суғорилмаса сўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Ичимлик суви эса бизда олтиндан ҳам қиммат. Тоza сув тортадиган насосларимиз катта ҳаражат эвазига ишлайди. Шу сабаб Бўзсув каналига насос ўрнатганмиз. Ўша насос орқали ҳудудимизга қувурлардан сув оқиб келади.

Биз кotteжлардан бирига етиб келдик. Олти хонали бу кotteжни “Ўзбектелеком” АК бир йилга ижарага олиб-

маҳсулотларидан таом тайёрлаб, ҳар бир киши учун 45 минг сўмдан пул тўлашлари мумкин, — деди оромгоҳ раҳбари.

Биз кейинги кotteжларни ҳам кўздан кечираётган эканмиз, улардаги хоналар бири-бирдан қулайлиги, яхши ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар яратилганлиги гувоҳ бўлди.

Лола Ниғманова:

**Шароит зўр!**

Кotteждан чиқаётиб, оиласи билан дам олаётган Лола Ниғмановага дуч келдик. У оромгоҳ ишчисига тен-

**“Оқтош” дам олиш оромгоҳи:****Табиати гўзал, шароити зўр,**

Дам олиш учун 4, 6 ва 8 хонали кotteжлар

Азизжон оромгоҳдаги насос ёки бассейни тозаловчи қурилмалардан тортиб, шу ердаги бошқа техникаларни ишлатишнинг барча сир-асрорларини миридан-сиригача яхши билади.

— Шу сабаб биз оромгоҳи директорлигини унга ишониб топширдик, — дейди “ЭМММ” ДУК директори ўринбосари Насибхон Исмоилова. — Қаерда қанақа муаммо бўлса, директорнинг ўзи бемалол ҳал қилади. Бундан ташқари, Азизжонда ташкилотчилик қобилияти ҳам бор, молиявий ишларни яхши тушунади. Бир сўз билан айтганда, оромгоҳдан кўнглимиз тўқ.

**Бир-бирдан қулай**

— Бугунги кунда 4, 6 ва 8 хонали кotteжларимиз дам олувчилар ихтиёрида, — деди Азиз Игамбердиев. — Уларни сўнгги русумда таъмирдан чиқардик. Хоҳласангиз кўришингиз мумкин.

У икки четига ўздан хуш буй тартиб турган арчалар, атиргуллар экилган йўлкалар бўйлаб бизни чиройли бино томон бошлади. Атроф озода ва тартибли. Томир отиб, барглари кўёш сари талпинаётган турли рангдаги атиргуллар бу йил экилган бўлишига қарамасдан чаман бўлиб очилибди. Ифоридан бошингиз айланади. Кўчат тагидан олинган эгатчалардан жилдираб сув оқиб турибди. Оқ ва қора рангдагиси аралаштириб экилган садарайҳон сувдан сўнг яйраб барг ёза бошлабди.

— Бу йилнинг ўзида 6 минг тупдан кўпроқ кўчат эдик, — дейди

ди. Ходимлар йил давомида навбатма-навбат касабга уюшмаси ташкилоти йўланмаси билан келиб, дам олиб кетишар экан. Хоналари сўнгги русумдаги мебеллар билан жиҳозланган, полига чиройли гилам тўшалибди. Ошхонада овқат тайёрлаш учун плита, шкафта қозону тоғордан тортиб, идиш товоққача тахлаб қўйилибди. Дам олишга оилавий келиб, истаган таомни тайёрлаш имкони мавжуд.

— Дам олувчилар хоҳласа ошхонамизда тайёрланаётган уч маҳаллик овқатдан ейишлари ва бир сутка учун ҳар бир кишига 60 минг сўм маблағ тўлашлари ёки кotteждаги ошхонада ўзлари билан олиб келган озиқ-овқат

нис хонасини тайёрлаб қўйишини тайинлаётган экан. Табиийки, Лола-хонни сўроққа тутдик.

— Турмуш ўртоғим Абдуносир Ниғманов “UNICON.UZ” ДУКда директор ўринбосари бўлиб ишлайди, — дейди Лолахон. — Уларнинг ташкилоти мана шу кotteжни бир йилга ижарага олишган. Бу ерга иккинчи марта дам олгани келишимиз. Атроф ўтган йилгидан ҳам гўзаллашибди. Бу ерда яхши ҳордиқ чиқариш учун барча шароит бор. Мана, уч кундирки, ота-онам, фарзандларим билан мириқиб дам олягимиз. Тренажёр, миллиард хонаси, сауна ёнимизда. Массажчи Лариса Савельевадан беҳад миннатдоримиз. У доимо ёрдамга ҳозир. Фарзандларим болалар ўйингоҳида ўйнаб, болалар учун махсус қурилган бассейнда чўмилишяпти.

**Семинар ўтказмоқчимиз, марҳамат!**

Очиг акциядорлик тижорат “Алоқабанк” раҳбарлари оромгоҳдаги кotteжларни ижарага олиш пайтида директорга: “Жуда дам оладиган жой бўлибди-да. Қани эди каттароқ залингиз бўлса-ю, семинар йиғилишларимизни ҳам шу ерда ўтказсак. Иштирокчилар бир йўла ҳордиқ чиқариб ҳам кетишарди”, — деб қолишди. Шунда Азизжон “Юринглар, сизларга бир жойни кўрсатаман, эҳтимол маъқул келиб қолар”, — деди кулимсираганча ва уларни конференцзал томон бошлади.

Замон талабларига мос жиҳозлан-



Хоналарда замонавий жиҳозлар



ган, юмшоқ ўриндиқли, 80 киши бемалол сиғадиган конференцзални кўриб банк раҳбарлари хурсанд бўлиб кетишди. “Бўлди, — дейишди улар. — Энди тadbирларимизни шу ерда ўтказамиз”.

Шу тариқа “Алоқабанк”нинг жорий йил феврал ойидаги семинар йиғилиши оромгоҳ конференцзалда ўтказилди. Иштирокчилар, банк раҳбарлари айтганидек, ҳам ўз билимларини оширишди, ҳам тоза ҳаводан тўйиб нафас олишиб, яратилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда мириқиб ҳордиқ чиқаришди.

Бугина эмас, шу йилнинг 10-17 апрел кунлари Радиоалоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик аъзолари

ҳодимларидир.

— Мижозлар миннатдорчилиги биз учун шараф, — дейди бош ошпаз Баҳодиржон Йўлдошев. — Дам олувчилардан “Раҳмат, барака топинг, кўлингиз дард кўрмасин” каби сўзларни эшитсам ғайратим ошади. Таомларни янада хушхўр тайёрлашга ҳаракат қиламан.

Бош ошпазнинг айтишича, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам фирма ҳисобидан сарфланар экан. Бир кунда уч маҳалдан иссиқ овқат, турли чанқов-босди ичимликлар мижозларга манзур бўлмоқда, албатта. Буни дам олувчилардан бири Зилолаҳоннинг қуйидаги сўзларидан билиш мумкин.

— Бир ҳафтадан бери онлаимиз би-

Оромгоҳда дам олувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам барча шароитлар яратилган. Тиниқ ва тоза сув билан тўлдирилган болалар ва катталар чўмилиш ҳавзалари, катта ўйингоҳ, волейбол ва баскетбол майдонлари, керакли спорт анжомлари билан жиҳозланган тренажёр, биллиард ва теннис хоналари дам олувчилар ихтиёрида. Олти кишилик сауна, душхоналар ҳам ажойиб тарзда қурилган. Дам олувчиларнинг фарзандлари турли аттракционлар қурилган майдончада мириқиб ўйнайдилар.

Спорт анжомларининг бенуқсон ишлаши, бугина эмас, оромгоҳдаги техникаларнинг ва бошқа асбоб-уску-

## Оромгоҳлар мавсумга тайёр

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бешта болалар соғломлаштириш оромгоҳига эга. Бу йилги мавсумда компания филиаллари оромгоҳларида ёз фаслида жами 3300 нафардан ортиқ бола дам олиши кўзда тутилган.

Жорий йилнинг апрел ойидаёқ филиалларда болалар соғломлаштириш оромгоҳларини жорий таътил мавсумига тайёрлаш ишлари бошлаб юборилган эди. Бугунги кунда давлат қабул комиссияси аъзолари томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ишлари якунланиш арафасида. Кўпчилик оромгоҳлардаги дам олиш, яшаш корпуслари, ошхона, овқатланиш жойлари ва спорт майдонларида зарур таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 10 июндан оромгоҳларда болаларни қабул қилиш бошланади.

«Бухоро Телеком» филиали балансида Бухоро шаҳри, Моҳи Хоса мавзесида жойлашган «Ёш алоқачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд. Бу йил мазкур оромгоҳда 360 нафар боланинг соғломлаштирилиши режалаштирилган.

«Ёш алоқачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳудудида дам олиш, яшаш корпуслари, ошхона, кутубхона, маърифат ва маънавият хонаси, тиббий пункт, компьютер синфи, сузиш ҳавзалари ва футбол, волейбол ҳамда баскетбол учун спорт майдонлари мавжуд. Ҳар бир дам олиш, яшаш хонасида санузел ва душ мавжуд бўлиб, хонада саккиз нафар бола жойлашиши мумкин.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали балансида иккита: «Алоқачи» ва «Нилуфар» болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавжуд. Ҳар икки оромгоҳ Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган.

Бу йил «Алоқачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳи 1280 нафар болани, «Нилуфар» эса 800 нафар болани қабул қилади.

«Алоқачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳудудида ҳам кутубхона, маърифат ва маънавият хонаси, тиббий пункт, компьютер синфи, футбол, волейбол ҳамда баскетбол учун спорт майдонлари ҳамда сузиш ҳавзалари, санузел ва душга эга бўлган икки қаватли дам олиш, яшаш корпуслари, ошхона мавжуд.

«ЎЗИ» қўшма корхонасининг «ЎЗИ-Жиззах» филиали балансида Жиззах вилояти Зомин туманида жойлашган «Алоқачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд. Мазкур болалар соғломлаштириш оромгоҳида бу йил уч мавсумда 360 нафар боланинг дам олиши режалаштирилган. Унинг ҳудудида дам олиш, яшаш корпуслари, овқатланиш жойлари, спорт майдонлари ҳамда сузиш ҳавзалари мавжуд. Дам олиш, яшаш корпусидаги ҳар бир хонада олти нафар бола жойлашиши мумкин. Санузел ва душ хоналари соғломлаштириш оромгоҳи ҳудудида алоҳида жойлашган.

«ЎЗИ» ҚҚ «ЎЗИ-Қарши» филиали балансида Қашқадарё вилояти Кятот туманидаги «Алоқачи» соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд. Бу йил соғломлаштириш оромгоҳи мавсум давомида 515 нафар бола дам олиб, соғломлаштирилади.

«Ўзбектелеком» АК матбуот хизмати

# улардан сиз ҳам баҳра олинг


ҳам ўзларининг навбатдаги йиғилишини шу ерда ўтказишди. Бир йўла ён атрофни, жумладан, Чорвоқни томоша қилишди.

Дарвоқе, оромгоҳда шароити чет элникдан қолишмайдиган саккиз хонали меҳмонхона ҳам мавжуд. Икки кишилик хоналарнинг ҳар бирига қўйилган муздаттич, кондиционер, дераза пардаси ва полга тўшалган гиламлар сўнгги русумдаги жиҳозлардир. РСМХнинг турли мамлакатлардан келган аъзолари бир ҳафта давомида ана шу меҳмонхонада истиқомат қилишди.

Оромгоҳдаги шароит уларни қониқтирганлигини кетишлари олдиан семинар тез тугаб қолганлигига афсусланганларидан ҳам билиш мумкин.

### Ошпазлардан сархил таомлар

Ошхонанинг покиза ва саришталиги, таомларнинг сархиллиги ва сифати дам олишга борган жойингиздаги шароитнинг старли эканлигини белгилловчи асосий мезонлардан биридир. Оромгоҳ мутасаддилари бу масалага алоҳида эътибор беришганлиги оромгоҳ ошхонасида яққол ўз аксини топиб турибди. Аввало шуни айтиш керакки, бир йўла 80 нафар киши овқатланиши мумкин бўлган бу ошхонанинг жиҳозлари дид билан харид қилинган. Қолаверса, бу ерда хизмат қилаётган олти нафар ходимнинг ҳар бири касбига меҳр қўйган, қаққон ва хушмуомала инсонлар. Улар “Аҳмаджон Умар” хусусий фирмаси



Тренажёр зали

лан коттежлардан бирида ҳордиқ чиқаряпмиз, — дейди Зилола. — Ҳар кун ошхонага келиб тамадди қиламиз. Бу ерда тайёрланаётган таомлар сифатли ва мазали. Хилма-хил салатлар, компотлар, айниқса, бизга ёқяпти. Ошпаз Баҳодир ака ва ходимларнинг хушмуомаласидан кўнглимиз тўлапти.

### Спорт —

#### саломатлик гарови

Соғлом яшашни истаган ҳар бир кишининг ҳамроҳи спорт бўлмоғи лозим. Эрталабки бир неча дақиқалик жисмоний машқлар инсонга кун давомида тетиклик бағишлаши рост.

наларнинг бир маромида ишлашини назорат қилиш муҳандис Синавер Ҳасанов зиммасига юклатилган. Синавернинг айтишича, оромгоҳда фаолият юритувчи 33 нафар ходимнинг ҳаммаси ўзига юклатилган вазифани масъулятини ҳис қилган ҳолда бажармоқда.

### Мириқиб суҳбатлашганга нима етсин!

Оромгоҳ йўлаклари бўйлаб одим ташлар эканмиз, сўриларда суҳбатлашиб ўтирган дам олувчиларга кўзимиз тушди. Суҳбатлари қизиганидан бизга эътибор ҳам қилишмади.

— Саккиз киши бемалол ўтириб овқатланадиган 16та ана шундай сўриларимиз бор, — дейди маъмур Равшан Эргашев. — Уларни қуюқ соя берувчи дарахтлар тагига жойлаштирганмиз. Дам олувчилар мусаффо тоғ ҳавосидан нафас олиш билан бирга, гулларнинг муаттар ҳидидан баҳраманд ҳолда хонтахта атрофида чой ичиб, суҳбатлашадилар.

Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал. Биз ҳамюртларимизни оромгоҳимизга келиб, мазза қилиб ҳордиқ чиқаришга таклиф этамиз. Туловни пул ўтказиш, банк пластик карточкалари орқали қабулхонамиздаги кассада амалга ошириш мумкин.

Муборак МИРКАМОЛОВА,  
“Xabar” мухбири

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ  
олган суратлар



Сайл учун баҳаво ва кўркам жойлар



Олий Мажлис Сенатининг IV ялпи мажлисида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган 14та қонун кўриб чиқилиб, маъқулланди. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун шулар жумласидан. Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасининг Учтепа тумани бўлим бошлиғи ўринбосари Ҳабибахон НИМАТЖОНОВА мухбиримизга ана шу қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида қуйидагиларни гапириб берди:

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишининг беш тамойилидан бири бу кучли ижтимоий ҳимоя бўлиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш механизми ишлаб чиқилган, иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдори мунтазам равишда ошириб келинмоқда. 2010 йил 22 декабрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун бу борада муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қонун ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни, айниқса, кекса ва ногиронларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Янги қонун пенсия қонунчилигини такомиллаштиришга, уни халқаро андозаларга ва бозор иқтисодиёти тамойилларига мослаштиришга ҳамда фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва унинг пенсия миқдори мутаносиблигини таъминлашга қаратилган.

2011 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига қуйидаги ўзгартиришлар киритилди:

1. Ёшга доир тўлиқсиз стаж билан пенсия аёллар 55 ёшга тўлганларида ва эркаклар 60 ёшга тўлганларида камида беш йиллик иш стажига эга бўлганларида тайинланади. Иш стажини дейилганда корхона, муассаса, ташкилотлардаги ижтимоий суғурталанган меҳнат фаолияти, қонунчилик билан белгиланган тартибда ижтимоий суғурта бадаллари тўланган яқка тартибда хусусий тadbirkorлик фаолияти ва армиядаги хизмат тушунилади (8-модда).

2. Пенсия миқдорини ҳисоблашда аёлларнинг фарзандларини гўдаклик ёшида парвартирилган вақт фақат ишлаб турган даврда фарзанд туққан аёлларнинг иш стажига қўшиб ҳисобланади, фарзандларни парвартирилган таътилларида бўлган вақт жами бўлиб 3 йилдан ошмаган даври ҳисобга олинади (37-модда “ж” банди).

3. Иш стажига, шунингдек, олий ўқув юртиларида, яъни институт, университет, аспирантура, докторантура, клиник ординатуралардаги кундузги ўқиш даврлари қўшиб ҳисобланади. Ўрта махсус ўқув юртиларидаги ўқиш (техникум, билим юртилари, курслар, касб-хўна колледжлари ва шу каби-

## Пенсия қонунчилиги: ўзгартиш ва қўшимчалар

лар) пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланмайди (37-модда “е” банди).

4. Шунингдек, ушбу қонун билан ёшга доир имтиёзли пенсиялар тайинлаш масаласида ҳам ўзгартиришлар киритилган, яъни:

а) Қишлоқ ҳўжалиги ходимларининг айрим тоифаларига, тракторчи-машинист аёлларга, авиация муҳандис-техник ходимларига, тўқимачилик ишлаб чиқариш дастгоҳларида ишлаган аёлларга, шаҳар йўловчи ташуш транспорти ҳайдовчиларига, кўп болали оналарга имтиёзли пенсиялар тайинланмайди (12-модда “в” — “з” бандлари).

Болаликдан ногирон боласини 8 ёшгача тарбиялаган оналарга уларнинг иш стажлари камида 20 йил бўлганда 50 ёшдан имтиёзли пенсия тайинланади (12-модда “з” банди).

б) Ўқитувчиларга агар улар ногирон болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари, “Меҳрибонлик” уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колонияларида камида 25 йил ишлаган бўлсалар, аёллар 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар (12-модда “к” банди).

в) Ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокор ва ўрта тиббий ходимлари шу муассасалардаги махсус иш стажлари қишлоқ жойларда 25 йил, шаҳарларда эса 30 йил бўлганда аёллар 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар (12-модда “л” банди).

5. Ногиронлик пенсиялари ТМЭКлар томонидан 1- ва 2- гуруҳ ногирони деб топилган фуқароларга тайинланади (15-модда).

Пенсияларга минтақавий коэффи-

циентлар жорий этиш бекор қилинганлиги сабабли, пенсияларни тайинлашда ушбу коэффицентлар қўлланилмайди (49-модда олтинчи хатбоши).

Ногиронлик пенсиялари ТМЭКлар томонидан 1- ва 2- гуруҳ ногирони деб топилган фуқароларга тайинланади (15-модда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақидаги 107-сонли қарори билан:

Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом (1-илова);

Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом (2-илова);

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-қарорига киритилаётган ўзгартиришлар тасдиқланган (3-илова).

Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ катта ёшдаги болаликдан 1- ва 2-гуруҳ ногиронларига ва 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга нафақа тайинлаш тартиби, талаб этиладиган ҳужжатлар ва нафақа тўлаш тартиблари белгиланган бўлиб, бу тартиб Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июндаги 319-қароридан фарқли жиҳати нафақа олувчининг вафоти муносабати билан

олинмай қолинган нафақа пулини тўлаш тартиби белгиланган.

Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомда, меҳнат стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик нафақасини тайинлаш тартиби белгиланган.

Бу қарорнинг энг муҳим жиҳатла-

ридан яна бири, бу — беш йилдан кам иш стажига эга бўлган фуқароларга нафақа тайинлаш тартибининг киритилганлигидадир, яъни агар аёл 60 ёшда, эркак 65 ёшда бўлиб, умуман меҳнат стажига эга бўлмаса унга нафақа фақат уни боқишга мажбур бўлган қариндошлари бўлмасагина тайинланади, лекин ушбу фуқаролар беш йилдан кам бўлган иш стажига эга бўлсалар, уларни боқишга мажбур бўлган қариндошлари бор ёки йўқлигидан қатъи назар тайинланиши белгиланган.

Шунингдек, 1 ёки 2-гуруҳ умумий касаллик сабабли ногирон бўлиб қолган, меҳнат стажига эга бўлмаган шахсларга ҳам юқоридаги қарорга асосан ҳеч қандай шартларсиз нафақа тайинланади.

Вафот этган боқувчининг умуман иш стажига эга бўлмаса, унинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига нафақа тайинланиши ҳам шу қарорга мувофиқ амалга оширилиб, нафақа миқдори боқувчи олиши мумкин бўлган, яъни 1- ёки 2-иловада кўрсатилган тоифалар учун белгиланган миқдорлардан келиб чиқиб аниқланиши кўрсатилган.

Ва, ниҳоят, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунини рўбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 249-қарорига, юқорида қайд этиб ўтилган қонунга мувофиқ киритилаётган ўзгартиришлар тасдиқланган, яъни:

Пенсия тайинлаш учун стажни ҳисоблашда эътиборга олинмаган ўқиш даврларини, аёлларнинг иш даврида фарзандини парвартириш таътилларида бўлган даврини тасдиқловчи ҳужжатлар белгиланган берилган.

Юқоридаги ўзгаришлар пенсия таъминоти тизимини замон талабларидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш, ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришга қаратилгандир.

### ТОНГ

Дилимда жўш урар кучли бир тўлқин,  
Уйқусиз туналрни тонгларга улаб,  
Талабни орттирар ҳислар ҳам жўшқин,  
Шиддат пешонасин тураман силаб.

Улуғ бир шодликни қайд этар юрак,  
Оҳанг садоси-ла тонг отган чоғда.  
Сенга боғланади абадий тилак,  
Кезиб юрган лаҳза булбулли боғда.

Бузоғин ялайди оппоқ бир сигир,  
Онамнинг кўзида бир олам меҳр...

### ОТАМ

Кўзим тушар гулларга ногоҳ,  
Ўйга толиб қоламан шу он.  
Нимадандир этади огоҳ,  
Ёришади кўзимга жаҳон.

Мафтун этиб яшил далалар,  
Жўштиради дилимни чунон.  
Кичқириниб шодон болалар,  
Орзуларда бошлайди исён.

Сен ҳақингда ўйласам ота,  
Сен ҳақингда сўйласам ота...

Нафиса НЕЪМАТИЛЛО қизи  
Каттақўрғон тумани, Пайшанба қишлоғи

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси  
Фурқат почта алоқаси тармоғи ходими Абдурахмон КЕНЖАЕВ-  
ни 60 ёши, Учкўприк почта алоқаси тармоғи ходими Умаржон  
РАҲМАТУЛЛАЕВни 55 ёши билан чин дилдан қутлайди. Уларга  
соғ-омонлик, узоқ-умр, фарзандлар камолини кўришни тилайди.

“Фарғона Телеком” филиали жамоаси ўзларининг 55 ёшини  
нишонлаётган Ўзбекистон ва Фурқат телекоммуникациялар боғлама-  
лари ходимлари Қодиржон РЎЗМАТОВ ҳамда Исмомжон УСМОНОВ-  
ларни таваллуд айёмлари билан табриқлайди. Уларга мустақкам  
саломатлик, узоқ-умр тилайди.



## “Алоқачи” да болалар олимпиадаси ўтказилади



Термиз шаҳридаги “Алпомиш” ўйингоҳида Сурхондарё вилоят алоқа ходимларининг мини-футбол мусобақаси ўтказилди. Дастлаб, мустақиллик кунининг 20 йиллигига бағишланган тадбирнинг очилиш маросими бўлди. Ўйингоҳ узра миллий мадҳиямиз янграб, Ўзбекистон байроғи кўтарилди.

Шу йилнинг 22-26 июн кунлари “Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали тасарруфидаги “Алоқачи” болаларни соғломлаштириш оромгоҳида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари фарзандлари ўртасида Болалар олимпиадаси ўтказилади.



Ўтказилади.

Болалар олимпиадасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа иштирок этиши кўтиляпти. Ҳар бир жамоа ўзида бир мураббий ва 12-14 ёшли болалардан саралаб олинган 13 иштирокчини биллаштиради.

Низомга кўра, “Алоқачи” оромгоҳидаги олимпиадада мини-футбол мусобақалари ўғил болалар ўртасида, шахмат, шашка ва стол тенниси беллашувлари ўғил ва қиз болалар ўртасида алоҳида

Айни пайтда кичик олимпиадага тайёргарлик ишлари қизгин кетмоқда. Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши етакчи мутахассиси Суннат Абдуғаниевнинг маълумот беришича, мусобақаларда иштирок этадиган Тошкент шаҳри

терма жамоаси пойтахтда жойлашган алоқа ва ахборотлаштириш корхона ва ташкилотлари фарзандлари орасидан саралаб олинади. Фарзандлари саралаш ўйинларида қатнашишини истовчи алоқачилар бунинг учун “Алоқачи” оромгоҳига 17 июнда бошланадиган биринчи мавсум учун йўлланмани қўлга киритишлари керак.

Болалар олимпиадаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши томонидан ташкиллаштирилган бўлиб, пойтахтда жойлашган соҳа корхона ва ташкилотлари жамоаларга ҳомийликни ўз зиммаларига олган.

Тахририятимиз Болалар олимпиадасини бевосита ёритишни мақсад қилган, шундай экан, “Xabar”ни кузатиб boring.

Ўз мухбиримиз

## Энг улуғ байрамга бағишланди

Мусобақа қатнашчиларини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Рустам Иброҳимов, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Қулмурод Қулсаҳатов ва бошқалар энг улуғ, энг азиз байрам олдида ташкил этилган анъанавий тадбир билан табриклади.



Яшил майдонга тушган жамоалар соҳада ҳам спортнинг оммавийлигига эришиш бўйича сезиларли ишлар қилинаётганлигини амалда кўрсатишга ҳаракат қилишди. Дарҳақиқат, улар маҳорати тажрибали футзалчилар ҳаракатидан кам эмаслигидан яққол далолат берди. Айниқса, Зойиджон Аҳмедов раҳбарлигидаги вилоят Электромагнит мослашув хизмати жамоаси яна бир бор ибрат кўрсатди. Аҳил жамоа учинчи марта вилоят кўчма кубогини қўлга киритиб, уни доимий сақлаб қолди. Бундай муваффақиятга эришишда ака-ука Рустам ва Анвар Муродов ҳамда ёш дарвозабон Искандар Усановнинг хизмати катта бўлди.

“Ўзбектелеком Мобайл” Сурхондарё вилоят бўлими мусобақа голиблари учун махсус соврин ташкил этган эди. Бу соврин энг яхши ўйинчи номинацияси бўйича вилоят Электромангнит мослашув хизмати ҳужумчиси Анвар Муродовга насиб этди.

Ушбу спорт мусобақасида “Ўзбектелеком Мобайл” Сурхондарё бўлими “Энг фаол жамоа” деб топилди. Жамоа аъзоси Орзбек Қодиров эса “Энг яхши ҳужумчи” номинацияси бўйича совриндор бўлди.

Шу кун раҳбарлар ўртасида ҳам футзалда ун бир метрлик жарима тўпини тешиш бўйича маҳорат синови бўлиб ўтди. Унда “Ўзбектелеком Мобайл” Сурхондарё вилоят бўлими бошлиғи Абдурашул Гулматов голибликни қўлга киритди.

Нортожи ЗИЁЕВ,  
“Xabar”нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

## Биринчи босқич голиблари

ОАТ «Алоқабанк»да шу йил 26-27 май кунлари алоқа соҳаси ходимлари ўртасидаги спартакиаданинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда банк мутахассислари шахмат, шашка ва стол тенниси бўйича кураш олиб боришди. Натижада биринчи ўринларни шахмат бўйича Илҳом Омирзоқов, шашка бўйича эркаклар ўртасида — Иброҳим Иброҳимов ва аёллар ўртасида — Рамила Саҳапова, стол тенниси бўйича Нодир Пулатов ва Саодат Нуритдинова эгалладилар.

Соҳа спартакиадасининг голиблари курашни мусобақанинг иккинчи босқичида давом эттирадилар.

Ушбу спартакиада банк ходимларининг спорт борасидаги тайёргарликларининг юқори савияда эканлиги ва бундай мусобақаларга қизиқиш катта эканлигидан далолат беради.

## 1 июн – ФИФА кuni

1 июн кuni ФИФА кuni эканлиги муносабати билан бир қатор терма жамоалар ўртоқлик учрашувларини ўтказиб олдилар. Жумладан, Ўзбекистон терма жамоаси Украина терма жамоаси меҳмони бўлди.

Учрашувнинг биринчи бўлимида голлар киритилмади. Иккинчи бўлимда Шевченковдан сардорликни қабул қилиб олган Тимошук ҳимоямизда юзага келган тангликдан унумли фойдаланиб 54-дақиқада дарвозамизни ишғол этди. Орадан озгина вақт ўтиб Воронин ҳам ўз ҳисобига битта гол ёздириб қўйди.

Дарвоза устунидан қайтган тўпни қайта йўллаб ҳисобни 2:0 кўринишига олиб келди.

Терма жамоамиз бош мураббийи Валим Абрамов асосий урғуни янги жалб этилган ўйинчиларга қаратди.

**Украина – Ўзбекистон – 2:0**

**Голлар:** 1:0 – Тимошук (54), 2:0 – Воронин (60).

Қолган ўйинларнинг натижалари:

**Нигерия – Аргентина – 4:1**

**Голлар:** 1:0 – Икечукву Уче (9), 2:0 – Обинна (26,

пеналти), 3:0 – Икечукву Уче (39), 4:0 – Эменике (51), 4:1 – Боселли (90, пеналти).

**Канада – Эквадор – 2:2**

**Голлар:** 1:0 – Дунфиелд (23), 1:1 – Бенитес (61), 1:2 – Арройо (63), 2:2 – Хатчинсон (90).

**Гватемала – Венесуэла – 0:2**

**Голлар:** 0:1 – Мику (26), 0:2 – Пероза (67).

**Мексика – Янги Зеландия – 3:0**

**Голлар:** 1:0 – дос Сантос (22), 2:0 – дос Сантос (30), 3:0 – А. Де Нигрис(43).

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом”нинг 49-бандига асосан:

“GALACT BUILDING” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2009 йил 10 июнда берилган АА серияли 0002911 рақамли;

“Фергана Бренд Инфо” масъулияти чекланган жамиятнинг (Фарғона ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2011 йил 11 мартда берилган АА серияли 0003556 рақамли;

“FAR LINE” масъулияти чекланган жамиятнинг (Фарғона вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2006 йил 26 октябрда берилган АА серияли 0001735 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2011 йил 27 майдан тугатилди.

### Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқарлар филиали жамоаси Қарши почта алоқаси тармоғининг сугурта бўлими хабарчиси Бахтиёр Ўнғбоева турмуш ўртоғи

**Муслима БОЙНИЁЗОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқарлар филиали жамоаси Қарши почта алоқаси тармоғининг ҳайдовчиси Тўлқин Саидовга онаси

**Шахринисо ая ҚҮЛДОШЕВА**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

“Xabar” газетаси тахририяти жамоаси газета катта мухбири Усмонжон Йўлдошевга онаси

**Кимёхон АБДУЛЛАЕВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



# Китоблар хазинаси

Бугун деярли ҳар бир шаҳар ўзининг кутубхонасига эга, ҳар бир мамлакатнинг миллий кутубхоналари бор. Фарбдаги кўплаб кутубхоналар бугунги кунда ўз бағрида дунёдаги энг керакли ва қадимги китобларни сақлаб келмоқда. Шундай муассасалардан бири Франция Миллий кутубхонасидир.


Франция Миллий кутубхонаси (Bibliothèque nationale de France) Парижда жойлашган. Мазкур кутубхона Францияда чоп этилган барча нашрларнинг сақловхонаси ҳисобланади. Кутубхона турли даврларда турлича қироллик кутубхонаси, қиролича, императорлик ва миллий кутубхона номлари билан аталган. Узоқ йиллар мобайнида француз қиролининг шахсий кутубхонаси ҳисобланган.

Карл V Луврда Қироллик кутубхонаси ташкил этишга қарор қилган 1368 йил кутубхонага асос солинган сана ҳисобланади.

Қирол Пипин давридаёқ қўлёзмалар йиғишга киришилган. Буюк Карл эса Аахенда ўша давр учун жуда аҳамиятли бўлган кутубхонага асос солади. Аммо унинг ўлимидан сўнг кутубхона сотиб юборилди. Қирол Людовик IX яна қайтадан етарлича катталикдаги кутубхона ташкил этади.

Донишманд Карл V Париж кутубхонасининг ҳақиқий асосчиси ҳисобланади. У кутубхонага ўз шахсий мулки сифатидан қарамасдан, ундан олимларнинг фойдаланишлари ҳам имконият яратиб берган. Қирол қўлёзмаларни нафақат сотиб олган ва улардан кўчирма олишга буйруқ берган, балки “қироллик ва бутун христиан дунёси фойдасига хизмат қилувчи” айрим китобларни таржима қилдирган. 1367-1368 йилларда кутубхона қирол буйруғига кўра, Лувр саройининг Лочин ови минораси (tour de la Fauconnerie)га кўчирилади. 1373 йилда кутубхона каталоги ташкил этилади.

Мазкур кутубхонага қирол қариндошлари томонидан жуда катта зарар етказилади, гап шундаки, улар кутубхонадан нодир китобларни олишар ва қайтаришмас эди. Шу тарзда қадимий кутубхонанинг 1200 қўлёзмасидан бизгача атиги йигирманчи қисмигина етиб келган, холос.



## Кутубхонанинг янги биноси

1988 йили Франция президенти Франсуа Миттеран кутубхоналар ишини ислоҳ қилиш дастури тарафдорларини қўллаб-қувватлаб чиқди. Парижнинг 13 округидаги кутубхоналардан тўққиз миллионга яқин китоблар Миллий кутубхонага келтирилди. Замонавий технологиялар асосида кутубхона фондидаги босма нашрларнинг электрон базаси яратилди ва улар интернет тармоғига жойлаштирилди. Айни дамда кутубхонада машина таржимаси ҳамда сўзларни аниқлаб олиш технологиясини ишлаб чиқиш устида фаол иш олиб борилмоқда.

Ўша йилнинг 14 июлида президент Ф.Миттеран билимларнинг барча соҳасини ўзида мужассамлаштирган дунёдаги энг йирик ва энг замонавий кутубхона куриш ҳақида маълум қилди. Кутубхона барча учун бирдек хизмат қилиши кераклиги, масофадан туриб ахборот ва консултация олиш учун маълумотлар узатишининг энг замонавий технологияларига эга бўлиши ҳамда Европанинг бошқа кутубхоналари билан ҳамкорлик қилиши белгилаб қўйилди. 1989 йили Dominique Perreault архитектура фирмаси янги кутубхона биносини куришга киришди. Орадан етти йил ўтиб, яъни 1996 йилнинг 20 декабрида ўзида ўн миллиондан ортиқ фондни жамлаган Франция Миллий кутубхонаси янги биноси жамоатчилик учун очилди.

1997 йилда эса онлайн кутубхона фойдаланувчилари учун Gallica рақамли кутубхонага асос солинди. 2006 йилда Gallica интернет тармоғига уланди. Кутубхонада тахминан 5000 юнон қўлёзмалари сақланади, улар учта фонд (fonds grec, fonds Coislín va supplement grec)га ажратилган.

Людовик XII Лувр кутубхонасини Блуас қалъасига кўчиради ҳамда босма ва отаси герцоглар Орлеанскийларнинг кутубхонаси билан бирлаштиради. Шунингдек, у Милан герцогларининг бой китоблар жамғармасига, Петрарка кутубхонасининг бир қисмига ҳамда Людовик де Брюж, сенйора де ла Грююзларнинг китоб жамғармаларига эга бўлади.

Кутубхонада француз қироли кутубхонаси хазиналаридан бири — Каллон атласи ҳам сақланади.

Франциск I кутубхоначи олим Бюде маслаҳати билан қироллик кутубхонасига босма ва отаси томонидан йиғилган шахсий кутубхонасини бирлаштиради ва кутубхонасини кенгайтириш учун Франция бўйлаб ҳамда хориздан китоблар тўплашга гайрат билан киришади. 1523 йилда у Фонтенблола йирик кутубхона ташкил этишни амр этади. У ерда Блуасс кутубхонасидан келтирилган юнон қўлёзмалари кутубхонасига асос солади. Бу билан қироллик кутубхонаси Европадаги энг бой кутубхоналар қаторидан жой олиб, қиролнинг шахсий мулкидан барча олим ва зиёлилар учун очик бўлган жамоат муассасасига айланади. Франциск I даврида қироллик кутубхонасининг бош кутубхоначиси, унинг

ёрдамчиси ва муқоваловчилар лавозимлари тасдиқланади. Карл IX қироллиги якунида эса кутубхона Фонтенблдан Парижга кўчириб келтирилади.

Людовик XIV қироллиги даврида қироллик кутубхонаси жуда кўплаб керакли ва нодир китоблар, қўлёзмалар билан бойийди. Кутубхона бошқаруви қироллик иншоотларининг бош қарувчиси Колберга топширилади.

Француз инқилоби вақтида кутубхона фонди диндорлар ва асилзодаларнинг шахсий коллекцияларидан тортиб олинган 300 минтагача томлар билан бойиди. 1793 йилда француз миллий инқилоби йиғилишида кутубхона фаолиятига тегишли муҳим акт қабул қилинди. Унга кўра, Франция Миллий кутубхонаси дунёда биринчи бўлиб бепул ва барча фойдаланиши мумкин бўлган муассасага айланади. Мамлакатдаги сиёсий тартиб ўзгарганидан сўнг эса кутубхона Император Миллий Кутубхонаси деб юритила бошланди.

Франция Миллий кутубхонаси нафақат мамлакатдаги, балки бутун Европадаги энг йирик ва қадимги кутубхоналардан бири саналади. Тарихий бу муассаса рю Ришеле (Париж)да жойлашган бўлиб, ўзида XVII аср бинолари ансамблини муассам этган.

Усмолжон ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

## Обуна бўлишни унутмадингизми?

OBUNA-2011

Қадри муштарийлар!

“Xabar” газетасига иккинчи ярим йиллик учун “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг барча почта алоқаси бўлимлари ва “Матбуот тарқатувчи” АК шохобчаларида обуна бўлишингиз мумкин.

Газета ҳафтанинг жума куни, 16 саҳифада, тўлиқ теледустурлар билан чоп этилади. Шошилиг, обуна давом этмоқда.

**Xabar** Сизнинг газетангиз!

Нашр кўрсаткичи — 228.



Мутолаа инсонни билимдонлик сари, суҳбат топқирлик сари етақлайди. Ёзиш эса аникликни таъминлайди.

Фрэнсис БЭКОН

<p><b>Xabar</b></p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Хайъат раиси), Асаджон ХУҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p>										
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p>		<p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Муборақ МИРКАМОЛОВА.</p>										
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p>	<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-602 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 16137 нусха.</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>									
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Наманганда 226-61-85</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқанда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчда 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 224-91-56</p>	<p>Қаршида 314-08-99</p>